

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

АЖ “Намангандонмаксулотлари”

Махмудов А.Ф.



06.02.2022

## БУЮРТМАЧИ:

АЖ “Намангандонмаксулотлари”

Янгиургон ДККШ дан АЖ “Намангандонмаксулотлари”

Элеваторга бугдой ташиш  
хизмати

## ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

АЖ “Намангандонмаксулотлари”

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Танлов иштирокчига Узбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барорланганда Кыргыз Республикасынин адати касарларига 2018-жыл 26-ноябр № 3616-жыл билдирилган йылсанти дәйелдик Республикаи Президентин тағайидаланган Мирзио Йамиевдин "Хизмет шурӯмий мурасимларни тақдимлаштирунгундаги ўзбеклиларни" тартиби босиди келишини да.

## І. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома II. Техник қисм

### I. Танлов иштирокчилари

#### 1. Танлов иштирокчилари

- 1.1. Танлов "Муассин" таҳаррүмий таъсисати үтишини бўлған санчоғини Хизмет шурӯмий мурасимларни тақдимлаштиришадан.
- 1.2. Танлов "Муассин" таҳаррүмий таъсисати үтишини бўлған санчоғини Хизмет шурӯмий мурасимларни тақдимлаштиришадан.
- 1.3. Газира ф. А. Файзуллоевна мурасимларни тақдимлаштиришадан.

#### 2. Танлов иштирокчилари

- 2.1. Танлов иштирокчилари иштирокчилик ишларни тақдимлаштиришадан.

- 2.2. Танлов иштирокчилари тақдимлаштиришадан.
- 2.3. Танлов иштирокчилари тақдимлаштиришадан.

- 2.4. Танлов иштирокчилари тақдимлаштиришадан.

- 2.5. Танлов иштирокчилари тақдимлаштиришадан.

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги № 472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. 1 Янгиургон ДККШ дан АЖ “Намангандонмахсулотлари” элеваторга бугдой ташиш хизмати 1.2. Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган. **Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.** 1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 365 кун.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. АЖ “Намангандонмахсулотлари”, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили: Узбекистон, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Темирйул кучаси 5 уй.  
2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади  
2.3. Танлов АЖ “Намангандонмахсулотлари” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.  
3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:  
танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;  
шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала ҳукукий лаёкат ва ваколатлар;  
танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;  
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;  
танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);  
Низом маблағи миқдори.

- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

- 3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:  
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойиҳани график кисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳакида мурожаат килишга ҳаклидирлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган холда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакқонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳакиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда,

агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади